

У.Д. Ортиқов, и.ф.н., доц.,
С.М. Холмуродов,
ТМИ

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНКЛАРНИНГ РОЛИ

В данной статье рассмотрены теоретические и правовые основы развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан, также приведены практические предложения и заключения относительно повышения роли коммерческих банков и государственных органов управления в развитии этой сферы в республике.

This article examines the theoretical and practical foundations for the development of small business and entrepreneurship in the Republic of Uzbekistan, besides the practical references and conclusions have been stated to enhance the role of the state operating organs and commercial banks in this sphere.

Калитли сўзлар: *ислоҳот, кичик бизнес, тадбиркорлик, маҳсулот, аҳоли, экспорт, импорт, пул-кредит, кредит линиялари, тижорат банклари, кичик корхона.*

Мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг сўнгги йиллардаги барқарор ўсишини таъминлашда, шубҳасиз, реал секторга киритилаётган қўйилмаларнинг роли катта бўлмоқда. Барча тармоқларга банк маблағларининг кириб бориши ишлаб чиқариш изчиллигини таъминлаш гарови бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари қаторидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бинобарин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётганлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Президентимиз И.А. Каримов бу ҳақида **«Биз янги давлат, янги жамият қуришга киришган дастлабки кунларданоқ ички бозорни ўз хомашёмиздан ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш, хизмат кўрсатиш тармоқларини йўлга қўйиш вазифаларини муҳим, устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олдик. Бу мураккаб вазифани қисқа муддатда ҳал этиш лозим эди. Мана шундай оғир вазиятда кичик корхоналарнинг, хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти нечоғлик бекиёс эканини исботлаб ўтишга ҳожат бўлмаса керак»**[1] - дея бежиз таъкидламаганлар. Айни шу соҳага мамлакат иқтисодий ўсишининг асосий омили сифатида қаралиб, 2012 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиявий манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 5 трлн. 346 млрд сўмни ташкил этди. Ушбу ажратилган кредитларнинг 1 трлн. 172 млрд. сўми микрокредитлар бўлиб, уларнинг ҳажми 2011 йилга нисбатан 1,5 баробар ўсди.

Халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатларнинг кредит линиялари ва грантлари ҳисобидан 181,7 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит маблағлари ажратилди[2]. Жорий йилнинг биринчи ярмида 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробар кўп, яъни 3,7 триллион сўм ҳажмида кредитлар, жумладан, 775,2 миллиард сўмлик микрокредитлар (ўсиш 1,4 баробар), шунингдек, халқаро молия институтларининг кредит линиялари доирасида 59,8 миллион доллар ажратилди. Шуниси қувонарлики, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида жорий йил бошидан буён 15,8 минг янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди ва ушбу соҳада аҳолининг бандлиги 75,1 фоиздан 75,5 фоизгача ошди.

Таҳлилларга кўра, ривожланган давлатларда ялпи ички маҳсулот қўшимча ўсишининг ярми кичик бизнес ҳисобидан таъминланмоқда. Бу мамлакатларда аҳолининг 40 % дан ортиғи кичик бизнес билан банд. Япония, Италия мамлакатларида бу кўрсаткич 60 % дан юқори. Шунини таъкидлаш жоизки, аҳолиси 300 млн.дан зиёдроқ бўлган АҚШ да рўйхатдан ўтказилган кичик корхонлар сони қарийб, 11 млн. нафарни ташкил этади. Кичик бизнес инновацион ривожланишда алоҳида роль ўйнайди. Жаҳоннинг етакчи мамлакатларида барча янгиликларнинг 30 фоиздан 50 фоизгача кичик фирмалар ҳиссасига тўғри келади. АҚШда кичик бизнес йирик бизнесга нисбатан 5 марта кўпроқ янгиликларни амалга оширади ва сотади.

Ҳозирги кунда кичик хўжалик юритувчи тадбиркорлик субъектлари йирик корхоналарнинг асосий рақобатчиси ва ҳамкори сифатида, йирик ишлаб чиқариш ҳамда бутун миллий иқтисодиёт тараққиётининг муҳим омили бўлиб қолмоқда. 1973-1975 йилларда жаҳонда тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий инқирозларга бардош бера олишини, XX асрнинг 90-йиллари сўнггидаги Осиё, айниқса, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида бошланиб, кейинчалик бутун дунёни қамраб олган молиявий инқироз натижаларидан ҳам яққол кўришимиз мумкин. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари корхоналари миллий иқтисодиётда нисбатан устун ўринларга эга бўлган мамлакатлар (Малайзия, Сингапур каби) инқироздан энг кам талафут билан чиққан бўлсалар, йирик корхоналарга устуворлик берган мамлакатлар (Жанубий Корея) энг кўп зарар кўрган эдилар.

2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 31 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига шакллантирилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатлардаги каби 60 фоиз бўлиши кутилмоқда[3]. Бу эса бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакат иқтисодиётида аҳамиятининг ошиб бораётганлигидан далолат беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришда халқаро молия институтлари кредит линияларини жалб этишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашда хорижий кредит линиялари маблағларини банклар орқали реал секторга жалб қилиш ҳисобига кичик ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Келажакда улар негизида молиявий жихатдан бақувват кўп тармоқли йирик ишлаб чиқариш корхоналари шаклланиши кўзда тутилади.

Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлар тадбиркорлик субъектларига экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа миллий хом-ашё ресурсларини қайта ишлашни, машинасозлик ва электрон саноати учун деталлар ва кундалик эҳтиёжи халқ истеъмол товарларини назарда тутадиган инвестицион лойиҳаларга ўрта ва узоқ муддатга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси “ТИФ Миллий банки”, “Агробанк”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Асакабанк”, “Ипотека-банк”, “Ипак йўли” банки ва “Ҳамкорбанк” томонидан кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари жалб қилинган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар беришдан иборатдир.

Тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг такомиллашуви ҳамда миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омилидир.

Шу ўринда кичик бизнес субъектларини кредитлаш жараёнига хорижий банклар ва халқаро молия институтларининг кредит линиялари тобора кенг жалб этилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

“2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари дастури” га асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларидан 2013 йилда – 110 млн. доллар ажратилган бўлса, 2014 йилда – 130 млн. доллар, 2015 йилга келиб эса, 155 млн. доллар жалб этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрел ПҚ-1957-сонли, [“2013 - 2016 йилларда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”](#)ги қарорига асосан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси

мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, бозор ислохотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш, тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш, соҳани ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш йўлида хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси вакилларининг илгаригиданда эркин фаолият юритаётганини, уларни кредитлаш ҳажмининг сезиларли даражада ошаётганини кузатиш мумкин.

Хусусан, 2013-2016 йиллар давомида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига умумий қиймати 409,7 406 млн.н сўмлик кредитлар ажратилиши режалаштирилган[4]. Таъкидлаш жоизки, мазкур ислохотлар натижасида маҳаллий аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини кузатиш мумкин. Қуйидаги жадвалда республикаимиз тижорат банклари томонидан мазкур соҳага режалаштирилаётган кредитларни кўриш мумкин:

Жадвал

2013 - 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга тижорат банклари томонидан режалаштирилган кредитлар[5] млн сўм

№	Тижорат банклари	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил
1	“Халқ банк” ДТБ	17 026,0	431,2 20	517,4 24	420,9 29
2	“Микрокредит банк” ОАТБ	562,1 12	074,5 15	089,4 18	707,3 21
3	“Миллий банк” ТИФ	634,2 7	161,1 9	993,3 10	192,0 13
4	“Асака” ДАТБ	463,4 5	556,1 6	867,4 7	440,8 9
5	“Агробанк” ОАТБ	140,3 10	168,6 12	14 601,3	522,5 17
6	“Ўзсаноатқурилишбанк” ОАТБ	801,8 3	562,1 4	474,5 5	569,4 6
7	“Ипотека-банк” АТИБ	777,7 4	733,2 5	879,6 6	255,8 8
8	“Қишлоқ қурилиш банк” ОАТБ	630,8 7	157,0 9	988,4 10	186,1 13
9	Бошқа тижорат банклари	673,6 6	008,2 8	609,8 9	531,9 11

Манба: Муаллифлар томонидан тузилган.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини тартибга солувчи ва бу соҳанинг муаммоларини ҳал этиш билан шуғулланувчи давлат дастури ишлаб чиқилган. Айнан давлат дастурини амалга ошириш, имтиёзли кредитлар бериш ҳисобига лойиҳаларни амалга ошириш харажатларини қоплаш, суғурталаш ва банклардан кредит олишда кичик корхоналарга давлат кафолатлари беришга ўтиш каби омиллар кичик

тадбиркорликка жалб қилинадиган молиявий ресурсларнинг кенгайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бир қаторда мамлакатимиз ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Республикаимизда 2013 йил қабул қилинган **“Гаров реестри”** тўғрисидаги қонуннинг ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга, яъни гаров таъминотининг ортиқча қисмидан фойдаланган ҳолда қўшимча банк кредитларидан фойдаланиш имкониятини беради.

Бироқ, бу кичик бизнес субъектларини молиявий таъминлашда муаммолар йўқ дегани эмас. Ҳозирги кунда тадбиркорларга молиявий ёрдам тизимидаги қийинчиликлардан бири бу тадбиркорлар хорижий валютада олган кредитларини ва уларнинг фоизларини қатъий валютада қайтаришлари шартлигидир. Маълумки, кўпгина лойиҳалар асосан ички бозордаги талабни қондиришга мўлжалланади, кредитни хорижий валютада қайтариш учун валюта конвертациясининг қатъий тартибда ўрнатилганлигини инобатга оладиган бўлсак, кўпгина тадбиркорлар валютада кредит олишдан воз кечадилар.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлашда давлат бошқарув органлари ва тижорат банклари томонидан қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб, улар бўйича ишларни амалга ошириб бориш, мамлакатда банкларнинг кредитлаш имкониятларини кенгайтириб бориш лозим;

- кичик бизнес субъектларини давлат томонидан рўйхатга олишнинг янада такомиллашган механизмини жорий этиш;

- республикаимиз йирик тижорат банклари кредит портфели таркибида кичик бизнес субъектлари фаолиятига йўналтириладиган кредитлар ҳажмини янада оширишга эришиш лозим;

- ахборот хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш, "инновацион иқлим"ни яратиш;

- пул-кредит, нарх ва валюта сиёсати воситаларини камраб олган қулай макроиқтисодий муҳитни яратиш ҳам устувор йўналишлардандир. Бу соҳадаги муаммоларнинг ечимини топиш тадбиркорларга молиявий ёрдам бериш механизмнинг ривожланиши учун хизмат қилади. Бунда ички кредит манбаларини сафарбар этиш чора-тадбирлари билан биргаликда хорижий сармояларни рағбатлантиришга хизмат қиладиган қулай муҳит яратиш, чет эл кредит линияларини жалб этиш ва уларни мақсадли ўзлаштириш, энг асосийси бу ишларнинг маълум иқтисодий самарасига эришиш масаласи биз учун ўта муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда давлат бошқарув органлари ҳамда тижорат банклари кичик бизнес субъектларининг ҳар

томонлама қўллаб-қувватлаш имкониятлари жуда кенг бўлиб, улардан самарали фойдаланишга эришиш миллий иқтисодиётнинг ривожини ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилашни асосий таянчи бўлган ўрта синф мулкдорлар қатламини шакллантиришдаги аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Шу жиҳатдан олганда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишлаб чиқариш фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш даркор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 21-Б.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки сайти маълумотлари www.cbu.uz.
3. Каримов И.А. 2010 йил 21 январда Вазирлар Маҳкамасидаги “2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишлари мавзусидаги маърузаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрель ПҚ-1957-сонли, “2013 - 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрел ПҚ-1957-сонли, “2013 – 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.